




ТОШКЕНТ



ОЖШОМЖИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 80 (9.577) 2001 йил 11 июль, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

XXI саҳоси

Барча маъбалардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● **Кеча** Олий Мажлис биносида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашининг давлат бошқаруви тизимини демократлаштириш ва сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича ишчи комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг жорий йил биринчи ярим йиллик фаолияти якунлари ҳамда «Она ва бола», «Соғлом авлод», шунингдек, маҳаллий хом ашёлар негизда маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт дастурларининг бажарилиши масалаларига бағишланган мажлиси бўлди.

● Вазирлар Маҳкамасида Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Исроил инфратузилма вазири Авигдор Либерман бошчилигидаги делегация аъзоларининг журналистлар билан учрашуви бўлди.

● Республика Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларнинг якунлари ҳамда «XXI аср маҳалласи» концепцияси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

● Республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг «2001 йилнинг II чорадаги нақд пул эмиссияси даражаси ва касса режаси кўрсаткичлари тўғрисида»ги ҳамда «Иш ҳақининг ўз вақтида тўлиниши учун вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларининг ижро этилиши, қорхоналарда хорижий валюта тушумлари аҳоли ҳамда бошқа бир қанча масалалар муҳокама этилди.

● Сирдарё вилояти галлакорлари бу йил 185 минг 300 тонналик галла хирмонини бунёд этиб, шартнома режаларини ортиғи билан адо этдилар.

● Навоий вилояти меҳнатқашлари давлатга доғ сонтиш йиллик шартномавий режасини ошириб бажарганлиги ҳақида рапорт бердилар.

● Тошкент Ирригация ва кишлққ ҳўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтида янги интернет маркази очилди.

● Бекobodдаги «Ўзметкомбинат» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасида қора ва рангли металл парчалари, чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● Намангандаги Бобур номи маданият ва истироҳат боғида «XXI асрда гиванд моддаларисиз» дастури доирасида тадбир ўтказилди.


● «Ўзбекистон» нашриётида фалсафа фанлари доктори Бахтиёр Тўраев ва сиёсий фанлар номзоиди Умар Абдуллаев қаламига мансуб «Ўзбекистон минтақда тинчлик ҳимоясида» рисоласи босмадан чиқди.

● Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетидеда олий мактабни илк бор битираётган магистрларни кузатиш маросими бўлиб ўтди.

● **Бугун** Бутунжаон Аҳолишунослик кунини муносабати билан Нукусда экоекофестиваль бўлиб ўтади. Утган кун Тошкентдан Нукусга ана шу сана муносабати билан «Эко-сан» жамғармасининг саломатлик поведи иккинчи марта жўнаб кетди. Унда экологик жиҳатдан зиён қўраётган қорақалпоқ аҳолиси учун 25 миллион сўмлик кийим-кечак, дорин-дармон ҳамда Чехия республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси тақдим этган минерал сувлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига

Энг улуг ва энг азиз байрамимиз шодиёналари кунларида санъат ихлосмандларига тортиқ этиладиган улкан иншоотлардан бири — пойтахтимизда қайта қурилатган ва айни саратоннинг жазирамасида ҳам ҳақиқий жасорат ва бунёдкорлик майдонига айланган — Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри биносидир.



Ажойиб санъат маскани

Қурилиш-тиклаш ҳамда пардозлаш ишларини ўз вақтида — тез, соз ва сифатли бажариш мақсадида бугунги кунда 600 нафардан зиёд бунёдкор тер тўқмоқда. Улар орасида барча касб ва ҳўнар эгалари — тикловчи, дурадгор, гишт терувчи, сантехник, чилангар, пайвандчи, электрчи, мрамар-гранитчи, ганчқор нарқошлар сийдиқидилан фаолият кўрсатишмоқда. Замонавий техника воситаларидан ҳам унумли фойдаланилмоқда. Бу ерга транспорт воситалари билан кетма-кет келтирилатган қурилиш материаллари бунёдкорларнинг тез ва соз ишлашларида қўл келмоқда.

Бош пудратчи — «12-трест» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 2-механизациялашган кўчма қолоннаси қурувчиларига трестнинг 20-, 65-, 50-қурилиш бошқармалари тикловчи ва пардозловчилари, «Тошмуҳандисқурилиш» ҳиссадорлик жамияти, «Антикор», «Шарқ Темир» фирмалари, 8-қурилиш бошқармаси, «Усто» бирлашмаси ишчи-хизматчилари экиндан ёрдам беришмоқда.

— Кўриб турганингиздек, қурилиш-тиклаш ишлари ниҳоясига етди, — дейди қолонна бош муҳандиси Абдувоҳид Дадамўхамедов. — Иншоотнинг икки тарафида тикланган уч қаватли қўшимча бинолар ҳамда кенгайтирилган олд қисмида ҳам асосий пардоз ишларини бошлаб юбордик. Зиммамиздаги масъулиятни сезиб, уч сменада меҳнат қилаяпмиз. Айниқса, Президентимизнинг ушбу қурилиш ишлари билан танишуви, кўрсатган йўл-йўриқ, берган маслаҳатлари бу ерда астойдил меҳнат қилаётган ҳар бир қурувчимизни руҳлантириб, кучига куч, гайратига гайрат қўшиди. Шу кунларда қўшимча биноларга ойна ўрнатилди, устунларни безаш, мрамар-гранит ҳамда ганчкорлик юмушлари ҳам қизгин давон эттирилмоқда. Мақсадимиз эса бу ерда халқимизга завқ-шаўқ улашадиган санъаткорлар илҳом билан ишласинлар, томошабинларнинг дили эса ҳам бизнинг меҳнатимиздан, ҳам санъат аҳли хизматидан яйрасин. Шу боис ҳам ота-онани театрнинг бунёд этганимиздан фалранамиз.

Қурилишда ҳар ким ўз вазифасини яхши билади ва ана шуни бажариш ҳаракатида. 65-қурилиш бошқармасининг Олег Баранцев етакчилигидаги тикловчилар бригадасининг Ҳамид Рустамов, Алексей Соловьев сингари тажрибали усталари сийдиқидилан ишлашари билан бўлса, 50-қурилиш бошқармасининг Маҳмуд Шоқодиров, Абдурашид Мусаев, Фазлиддин Халилов сингари мрамар-гранитчилари сифатга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Кўтарма кран

машинасти Олег Дюменнинг ишлари эса ҳаммасидан ҳам кўп. Шунинг учун ҳам у бор маҳоратини ишга солмоқда. — Шундай бир жозибали гўзал кошонани қураётганимиздан, албатта фалранамиз, — дейди 20-қурилиш бошқармаси раҳбари Абдушўкур Исмоилов. — Ана шунинг учун ҳам бу ерда меҳнат қилаётган 150 нафар қурувчимиз ҳамжиҳатлиқда ишлашаряпти. Республикаимиз Мустақиллигининг кулгў 10 йиллиги нишонланадиган йилда бу бунёдкорларимизнинг халқимизга меҳнат туҳфаси, байрам совғаси бўлади. Қурувчиларимиз асосан бино кўрғига кўрк қўшиб пардоз ишлари билан машғул. Айниқса, сувоқчи Юнус Сафаров, бўёқчи Юрий Тарасок, кафель терувчи Виталий Пах, мрамар-гранитчи Виталий Ефимовлар имкониятлардан оқилна фойдаланишмоқда.

Бир суз билан айтганда, тантанали кунларда фойдаланиши кўзда тутилатган санъат қолоннасида ишлар авжида. Бунёдкорларнинг баракали меҳнатлари эвазига қад ростлаётган бу муҳташам бино шаҳримизга ўзгача чирой бахш этади, албатта. Энг муҳими, кутлў байрамга сова бўлади.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТДА: Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри мана шундай кўринишда бўлади.

Халқаро таълим бўйича Америка Кенгаши — АКСЕЛС ташкилоти томонидан ўтказилётган «ўқитишда ҳамкорлик» халқаро танловида Тошкент шаҳри мактабларининг инглиз тили ўқитувчилари ҳам ўз билим ва педагогик маҳоратларини намойиш қилишмоқда. «Ўқитишда ҳамкорлик — 2001» танлови ҳам пойтахтимиз педагоглари учун катта имтиҳон бўлди.

Америка ва Ўзбекистондаги ўқув юртлири ўртасида узоқ мuddатли ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган бу танловда шаҳримиз инглиз тили ўқитувчиларидан бир йўла олти нафари голибликни кўлга киритди. Тошкентдаги 9-мактабдан Зурне Ващурина, республика таълим марказидан Лутфулла Жўраев, 17-мактабгимназиядан Гулнора Зайнутдинова, пойтахтимиздаги 257-мактабдан Светлана Хан ва бошқарла АҚШнинг Алабама штатидаги университетда олти ҳафталик малака ошириш семинарида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Бу хайрилик ишга Американинг Ўзбекистондаги элчихонаси маданият ва таълим бўлими ҳомийлик қилмоқда.

Азиз АЪЛОЕВ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

Қисқаларда

□ **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** 193-мактабда Акмал Икромов туманидаги Ҳабиб Абдуллаев, Янгиобод, Журжоний маҳаллалари фаоллари иштирокида «Миллий урф-одатларимизнинг ёшлар тарбиясидаги роли» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

□ **ЎТГАН** кун кутубхоналарни компьютер тармоғи билан тўзминлаштириш асосий мақсадлари деб билган пойтахтимиздаги кутубхоналарнинг раҳбарлари иштирокида Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонасида ўтказилган семинар «Кутубхоналарда ахборот тизимини такомиллаштириш» деб номланди.

□ **ХАЛҚАРО** «Сорос» ва «Усто» жамғармалари ташаббуслари билан Мерлин университети олимлари иштирокида ёғи мактаблар доирасида дистанцион таълим тизимини жорий этиш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Утган кун «Усто» жамғармасида ўтказилган семинар ана шу масалага бағишланди.

□ **ЎТГАН** кун Тошкент шаҳар ҳўқимлигида «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими мутасаддилари иштирокида 4 август — Маҳалла кунини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

□ **КЕЧА** пойтахтимиздаги 213-мактабда Миробод туманидаги Кўйлик ота, Баротқўча ва «Чинор» маҳаллалари фуқаролари ҳамкорлигида Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат маркази ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг Миробод туман бўлими ташаббуслари билан Тошкент Ислам университети ўқитувчилари иштирокида тадбир ўтказилди.

□ **БУГУН** 275-мактабда Мирзо Улўғбек туманидаги Авайхон, «Гулзор», «Янги ҳаёт» маҳаллалари фуқаролари ҳамкорлигида давра суҳбати бўлди.

□ **12-14 ИЮЛЬ** кунлари пойтахтимиздаги МХСК ўйингоҳида футбол бўйича мамлакат X миллий чемпионати ўйинларини бошқариб боратган ҳакамлар ёғи ўқув-машгулотлар йиғинларини ўтказишарди.

ҲАМКОРЛИК

Америкага — малака оширишга

Халқаро таълим бўйича Америка Кенгаши — АКСЕЛС ташкилоти томонидан ўтказилётган «ўқитишда ҳамкорлик» халқаро танловида Тошкент шаҳри мактабларининг инглиз тили ўқитувчилари ҳам ўз билим ва педагогик маҳоратларини намойиш қилишмоқда. «Ўқитишда ҳамкорлик — 2001» танлови ҳам пойтахтимиз педагоглари учун катта имтиҳон бўлди.

Америка ва Ўзбекистондаги ўқув юртлири ўртасида узоқ мuddатли ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган бу танловда шаҳримиз инглиз тили ўқитувчиларидан бир йўла олти нафари голибликни кўлга киритди. Тошкентдаги 9-мактабдан Зурне Ващурина, республика таълим марказидан Лутфулла Жўраев, 17-мактабгимназиядан Гулнора Зайнутдинова, пойтахтимиздаги 257-мактабдан Светлана Хан ва бошқарла АҚШнинг Алабама штатидаги университетда олти ҳафталик малака ошириш семинарида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Бу хайрилик ишга Американинг Ўзбекистондаги элчихонаси маданият ва таълим бўлими ҳомийлик қилмоқда.

Азиз АЪЛОЕВ

ТАДБИРКОРЛИК

Эл саломатлиги йўлида

Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган «Супромед» илмий ишлаб чиқариш фирмаси ходимлари 1997 йилдан бунёд тадбиркорлик билан иш юритиб, эл-юрт саломатлигини мустаҳкамлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Фирма илмий ходимларининг изланишлари натижасида шу кунга қадар бу ерда 20 хилдан ортиқ физиотерапия ва ташхис асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, улар мамлакатимиздаги шифохоналар ва кишлққ акушерлик пунктларида муваффақият билан қўлланилмоқда. Фирманинг 22 нафар ходими сый-ҳаракатлари эвазига ишлаб чиқарилаётган тиббиётда қўлланиладиган асбоб-ускуналар 90 фоз маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётганлиги, шу билан бирга четдан келтириладиган асбоблардан асло қолшимаслиги ниҳоятда қувонарлидир.

— Барча сый-ҳаракатларимиз, — дейди фирма директори Собир Убайдуллаев, — халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш учун қўлланиладиган тиббиёт асбобларини ўзимизда сифатли, хорижийликдан асло қолшимайдиган қилиб тайёрлашга қаратилган. Бунинг учун фирмамизда меҳнат қилаётган олимлар кунт билан изланишмоқда. «Дарсона», «Амплипульс», «Поток», «Стимул», «УВЧ-30М1», «УЗТ-1.01», «Соғдиана», «Степа» ва бошқа тиббиёт асбобларимиз шулар жумласидандир.

Фирма тадбиркорлари ҳаммаша изланишда. Шу боис ҳам пойтахтимизда ўтказилган «Ташаббус-2001» танловида улар «Энг яхши тадбиркор» номига сазовор бўлишди.

Дилноза ФИЁСОВА

ИЗЛАНИШЛАР

Тараққиёт сари

Кейинги йилларда мамлакатимиз фан-техника соҳасида йирик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бундай самарали изланишлар натижасини ишлаб чиқаришга тадбиқ этишда «Академасбоб» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг бу йирик илмий муассасаси она дийрими мустақиллиги йилларида қўллаб-қўллаш имконияти янгиликларни амалга оширди. Бу изланишларнинг аксарияти муҳим техник асбоб-ускуналар ва аппаратлар намуналари янглиг саноят ишлаб чиқаришда кенг қўлланилмоқда.

Қўлга киритилган ютуқлар «Илмий асбобсозликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари» деган илмий ҳисоботда ўзифодасини топди. Бирлашманинг бош директори Саъдулла Баҳромов «Ўзбекистон фани: ўтмиши, бугуни, келажиги» деган мавзуда Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилган республика илмий-амалий конференцияда бу ҳақда маъруза қилди.

Чиндан ҳам истиқлол йилларида мазкур илмий-техник жамоа катта ютуқлари қўлга киритди. Илмий асбобсозлик бўйича олиб борилётган тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари, ҳўжалик шартномаси асосида бажарилаётган изланишларнинг кўпи қутилган натижаларини берди. Лазер нурунининг моддаларга таъсири асосий қонуниятларини ўрганиш ҳамда шу йўналишда фан, техника, тиббиёт, экология, саноят ва кишлққ ҳўжалигига мўлжалланган асбоблар яратишга ва ишлаб чиқаришга эришилди. Частотали лазер нурули физикасининг илмий асослари аниқланди. Лазер импульсларининг генерация механизмининг тадқиқи туфайли янги қурилмалар юзага келди. Микрооперацияни амалга оширишда қўлланиладиган электро-жарроҳлик аппарати ҳам мутахассисларнинг ижобий баҳосини олди. Шунингдек, муолажаларни олиб боришда хизмат қилувчи лазер қурилмаси яратилди.

Газ ва сув металл қувурларини емирилишдан сақлаш катод ҳимоя станцияси ҳам республикаимиз маиший хизмат тармоқларида фойдаланила бошланди. Кишмишини қайта ишлашнинг технология линияси эса кичик ва ўрта бизнесда қўл келди.

Шуниси муҳими, бу хил асбоб-ускуналар ва жиҳозларнинг аксарияти импорт эҳтиёжини бемалол қондиради. Тошкент метросининг Юнус тобед йўналиши учун махсус телемеханизациялашган замонавий диспетчер тизими яратилди. Шунингдек, Тошкент метрополитени бююртмаси билан ер ости транспорт йўлининг ҳаракат таркиби учун бортли телеметрик тизим ишлаб чиқилди.

Тошкент шаҳридаги автомобильлар турар жойида автоматлаштирилган назорат тизимининг жорий этилиши ҳам қутилган натижани берди. Бу муҳим техник изланиш туфайли йилга 30 миллион сўмлик фойда қўрилмоқда.

Кўриниб турибдики, «Академасбоб» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси яратётган ҳамда ишлаб чиқараётган турли аппарат ва техник қурилмалар Ўзбекистонда илмий асбобсозликнинг давр талаблари асосида тараққиёт эътиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Анвар АЪЗАМОВ

нинг аксарияти импорт эҳтиёжини бемалол қондиради. Тошкент метросининг Юнус тобед йўналиши учун махсус телемеханизациялашган замонавий диспетчер тизими яратилди. Шунингдек, Тошкент метрополитени бююртмаси билан ер ости транспорт йўлининг ҳаракат таркиби учун бортли телеметрик тизим ишлаб чиқилди.

Тошкент шаҳридаги автомобильлар турар жойида автоматлаштирилган назорат тизимининг жорий этилиши ҳам қутилган натижани берди. Бу муҳим техник изланиш туфайли йилга 30 миллион сўмлик фойда қўрилмоқда.

Кўриниб турибдики, «Академасбоб» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси яратётган ҳамда ишлаб чиқараётган турли аппарат ва техник қурилмалар Ўзбекистонда илмий асбобсозликнинг давр талаблари асосида тараққиёт эътиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Анвар АЪЗАМОВ

Шаҳар босқичи Фолиби

Утган йилдан эътиборан республика «Маҳалла» жамғармасининг ташаббуси билан юртимиз маҳалла бошқаруви ўртасида «Биз — Пахтакор» келажимиз» шiori остида ўтказилаётган футбол турнири очигини айтганда келажимиз ворислари ўртасида оммавий тус олгани қувонарли ҳол бўлди.

Утган шанба кунини пойтахтимизнинг бош спорт ўйингоҳи — «Пахтакор» марказий стадиони ўзига хос байрам тусини олди. Чунки стадионга ташриф бююрган ишқибозлар мутахассислар «Биз — Пахтакор» келажимиз» шiori остида жорий йилги турнир голиблиги учун кечадиган 12-14 ёшли ўсмирлар иштирокидаги Акмал Икромов туманининг «Хуршид» жамоаси ҳамда Чилонзор туманининг «Шарқ» жамоаси ёш футболчилари ўртасидаги қизиқарли беллашувнинг гувоҳи бўлишди.

— Ушбу турнирни ташкил этишдан асосий мақсадимиз, — дейди Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармасининг раиси Аъзам Гадоёбоев, — маҳаллаларнинг энг ёш фуқаролари бўлиши болажонлар вақтини фойдали ишга жалб этиш. Чунки ҳозир таътир пайти. Аксарият болажон бўш вақтларидеда эрикиши, назоратсиз қолиши мумкин. «Маҳалла» жамғар-

маси ташкил этган футбол турнири эса айни мuddаоки, ҳам болажон футбол билан малакали мураббийлар етакчилигида яна ҳам яқиндан ошно бўлади, ҳам келажимиз ворисларининг соғлиги янада мустаҳкам бўлиб воёга етади. Дарвоқе, ўтган йили ўтказилган турнирда асосан бир хил ёшдаги болажонлар иштирок этишган бўлса, жорий йилда ушбу қизиқарли мусобақа 9-11, 12-14, 15-16 ёшли болажонлар ва ўсмирлар ўртасида алоҳида-алоҳида ўтказилмоқда. Шу боис ҳам бу йилги мусобақада 200 та жамоа ва 30



БИЗ — «ПАХТАКОР» КЕЛАЖИМИЗ

чилигида майдонга тушган «Хуршид» жамоаси ёш футболчилари маҳорат бобида рақиблари «Шарқ»дан устун эканликларини намойиш этишди. Ва 1:0 ҳисобида галаба қозониб «Биз — Пахтакор» келажимиз» турнирининг голиблигини қўлга киритишди. «Хуршид» жамоаси футболчиларига турнирнинг олтин медали ва кубоги, спорт кийими ҳамда аудиомогафтон сова сифатида мутасаддилар томонидан топширилиши голиб жамоанинг келгуси муваффақиятларига қанот бахш этиши шўбасидир.

Ақбар ЙЎЛШЕВ

СУРАТДА: турнирнинг финал учрашувидан лавҳалар.

ЎЗБЕК ТАРИХИ — ЗОЛИК ТАРИХИ

(Давоми)

«Сак» сўзининг асл шакли «усак» бўлганлиги ҳақида сўз юритдик. Энди бу сўзнинг бошқа шакли ва хусусиятлари тўғрисида ҳам баъзи бир мулоҳазаларни айтиб ўтиш фойдаланган ҳоли бўлмайди ва баъзи бир фикрларини оидинлаштирилади.

Гап шундаки, ўсимлик дунёсига нисбатан ишлатилган ва ўзакни аниқлашга «усак» сўзи «сак» ака айланганда ҳам кўп нарса ютирган йўқ.

Дарах ва ўсимликлар пояннинг ҳар баҳорда япроқ ёзиши, гуллаши ва ҳосил бериши унинг «усувчанлигидан», яъни соғломлигидан далолат беради.

Бу хусусият тилимиздаги «соқ» — «соғ» сўзининг пайдо бўлишига замин бўлган деб ўйлайман.

Шу тарзда «соғлик», «соғлом» сўзлари вужудга келган, кейинчалик ҳар бил бало қазолардан муҳофаза қилмоқ маъносини «сақламоқ» сўзи зиммасига олган, уни амалга оширадиган киши эса «соқчи» деб аталган.

ЎЗИМ БИЛАН ЎЗИМ...

«Авесто»га, юнон тарихчиларининг ёдномаларига, қадимги форсий битикларига, «Шоҳнома»га таъниган ҳолда миллатимизнинг ўтмишига ўша тахминларни ва хулосаларни яна бир бор кўнгил тарозисига солиб кўраб эканман, яна шубҳали ўйлар ўзининг гирдобига ола бошлади:

«Хаддан ташқари жўн фикрлаётганим йўқми? Юртимиз тўғрисида кечган мураккаб тарихий жараёнларни нияҳатда содда-лаштириб юбормадимми?»

Шунда бошқа бир таскинбахш ўй юрак гулгулларига сув сепади:

Икки-уч минг йил бурун ажодларимизнинг турмуш тарзи ҳам, табиат ва ҳаётнинг ҳақиқати тўғрисида ҳам, ўзаро муносабатлари ҳам биз ўйланган кўра анча соддакор, оддийкор бўлган. Тақдирга осонроқ тан берилган. Турфа ўзгаришлар, тузилmalar, топишлар ва йўқотишлар, юксалиш ва таъназулларнинг замирида ҳам ана шу соддалик мўжассам.

Аммо, янги-янги саволлар жонимга чоғувт солишда давом этади.

Модомики, сен айтгандек, сақлар ҳам, арийлар ҳам, турклар ҳам аслида битта халқ — ўзбек халқи экан, у ҳолда нима учун Ўзбекистоннинг ақсарият шаҳарлари форсий ёки тушуниб бўлмайдиган, изоҳ талаб қиладиган номилар билан аталади?

Авалло шунга айтиш керакки, бирорта босқинчи бизнинг дийёримизда чўпон-қўлчиларнинг қўйни, йилчиларнинг отини, подачиларнинг сигир-хўқизини, ити билан эшагини тортиб олгани келган эмас. Аксинча, овоз ва обод қишлоқ, шаҳарларини, уларнинг хунармандлик ва тижорат ишлари билан шуғулланган бой-бадавлат аҳолисини, шоҳларнинг хазинасини, маданий-маърифий бойликларини талаш, олиб кетиш мақсадида ҳужум қилган.

Бунинг учун эса улар қароқчилардек тунда бостириб келмаган.

Балки, ўз даврига хос хариталар тузган, шаҳар ва бош шаҳарларнинг ўрнини, йўллари белгилаб олган, ҳужум режаларини тузган.

Мана шу пайтда, жой номлари душман саркардалари ёки олимларни талаффузда қандай айтилса, шу тарзда қозоғга тушган. Тушунқисиз ёки айтиш қийин бўлган жойларга эса ўзлари ном қўйишган. Хитойликлар эса бу борада ҳаммадан охиш тушган, жами шаҳар ва қишлоқларни ўз тилларида номлаб қўққолишган. Бунга уларнинг Урта Осиёга бағишланган қадимий китоблари шохидлик беради.

Шу тарихда туркий номилар жиддий ўзгаришга учраган. Босқинчиларнинг йилнома ва тарихчилари, котиблари жанглар тафсилотини, ғалаба ва мағлубиятларни ўз ёдномаларида ақс эйтирган ҳам ўша мазмунда аниқ айтиш қийин бўлган жойларда келтирилган.

Юртимизни қилч қучи билан эгаллагандан сўнг, истилочиларнинг ҳукмдорлари ва аслзодалари, албатта, шаҳарлар мақсадидаги энг муҳташам саройларни эгаллашган ёки янги саройлар қуришган. Ўзларини хомиялаш учун тевараги мухташам ўралган қўрғонларда яшаганлар.

Табиийки, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўз соқилари, аёнлари, хизматкорлари, давлатмандларни сарой ёки қўрғон атрофидаги ҳонадонларга жойлаштирашган. Улар яшаган маскан шаҳарнинг маркази ҳисобланган. Сарой аҳлининг, уларга яқин бўлган эъбиллар ва тижорат гурӯҳларининг шаҳар ёки қўрғоннинг номини ўз тилларида айтишлари натижасида, туб халқ ҳам ўша атамга қўнқикан ва ўз она масканларининг номи ўзгариб кетганини сезмай қолган.

Сайёҳлар эса эшитганларини муҳоказасиз, мушоҳадасиз тўғридан-тўғри қабул қилган.

Йиллар ўтиб, шаҳар ва қишлоқнинг асл номи эслийдиган киши қолмаган, бегона лаҳжадаги ном шаҳарнинг тақдирга тамга бўлиб қолмаган.

Бундан ташқари, фотиҳлар энг серунум, серхосил ерларни ўзларининг миллатдошларига тортиқ қилганлар, шу йўсинда ўзбекча номланган манзиллар билан ёнма-ён бегона тилда аталган қишлоқ ва шаҳарлар барпо бўлган.

Аҳмонийлар даврида ҳам, юнонлар даврида ҳам энг йирик марказларни қайта номлашга уриниш бўлгани тарихдан маълум. Ўзлари қурган шаҳарлари эса бемалол ўз тилларида номланганлар.

Фақат, араблар ва мўғулларга бу ишга қўл урмаган. Сабабики, мўғулларнинг дастлабки тўдаси бунёдкорликдан йироқ, жангари тўдалар бўлган бўлса, араблар шаҳар қуришга улгурмаганлар.

Ўзоққа бормасдан, бундан юз эллик йил нарига назар ташласак, аниқдан шу таърибани шох Россиясининг амалдорлари ҳам кенг миқёсда амалга оширганни кўрамиз. Улар бир қатор йирик шаҳарларга ва янгида қурилган тюрк йўл бекатларига ўз саркардаларининг номини қўйишган.

Анан шу таърибда Шўро даврида нияҳатда кенг миқёсда қўллангани, ҳатто унга сиёсий тус берилгани, коммунистлик мафкураининг бу йўналишга айлантирилгани ҳаммаимиз шохидимиз. Шаҳар, шаҳарчилардан тортиб, қорхоналар, ҳўжалликлар, олий ўқув юрти, мактаблар, қўчалар, маҳалларга Шўро афобларининг, ҳатто, аток-

ли саналарининг, байрамларининг номини олган эди.

Кўпол бўлса ҳам айтиш керакки, бундай «улуг марҳаматдан», фақатгина, ҳоҳат жойларига четда қолдилар.

— Еши уч минг йилнинг нари-берисидеда белгиланаётган қалъалар харобаларининг қўпчилигини номи ўзбекча, улар кейинги вақтларда шундай номлангани ёки асл номи шундай бўлганми?

— Ненимча, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё воқаларида, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент шаҳарлари атрофида топишган қалъалар харобалари аслида оддий қалъалар эмас, балки, ҳар бири муқташ, қўрқам ва обод шаҳарларнинг марказий майдонидедаги муқаддас ибодатхоналар — оташқолларнинг ёки ҳукмдор саройининг қолдиқлари бўлиб, атрофида юзлаб, минглаб хонадонлар истикомат қилган шаҳарлар.

Уларнинг бир қисми аҳмонийлар ва бир қисми Александр Македонский босқини пайтда вайронга айланганлар. Биринчиси, шу йўл билан бўйсунмас халқини маданий-маърифий марказларини харитадан ўчиришга уринган бўлса, иккинчиси оташпарастлик динининг мўстабар саждаохоларини бузиш йўли билан, маҳаллий аҳолини диний эътиқодидан қайтаришни мўлжаллаган.

Бирок, халқ ўзлари муқаддас ҳисобланган манзилларнинг номини ёдидеда сақлаб қолган ва бизнинг замоналаргача олиб келган.

Истилочилар ким бўлишдан қатъий назар, қадим замоналардаёқ миллий давлатчиликнинг, ўзбекча мустақиллигининг тўра тарихини ўзда ақс эйтирган манзилларни ер юзидан сўпуриб ташлашга ҳаракат қилганлар. Халқимизнинг миллий гурури, юксак маданияти рамзи бўлган муқаддас пойтахтлар, уларга қўрқ бўлган саройлар ва қорхоналар ҳам ана шу сабабларга қўра тўроқ тағма қўйилган. Ақсарият ҳолларда эса, аҳолининг жон-жаҳат билан қўра қурагани, жасорат ва матонат қўрашганлиги ҳам ёвларнинг қаҳри-ғазабини ошириб юборган, бўйсунмас шаҳарни халқи билан биргаликда ер юзидан сўпуриб ташлашга мажбур этган.

Шаҳар ва қишлоқларнинг вайронга айланишининг бошқа сабаби ҳам бор. Тўрт-беш минг йиллар муқаддас бизнинг иқлим шароитида биноларни пишиқ қилшдан, тошлардан қуришга эҳтиёж бўлмаган.

Улар, асосан, пахсадан ва хом гиштдан тикланган. Халқ минтақанинг табиий шароитидан қайчиб чиқиб, биноларнинг ёзда салқин, қишда эса иссиқ бўлишига эҳтиёж берган. Асосий хом ашё оддий сув ва тўроқдан иборат бўлгани боис, бинолар ҳам сарф-ҳаражат эзавига, муҳими қисқа муддатда қад қўтарган.

Бундан ташқари, қадимий археологик ёдгорликларнинг қўпчилиги нисбатан қамлиги эса, халқимизнинг униб-ўсган тўроғига мөҳри беавад баландлиги билан изоҳланади. Улар қиндик қони тўқилган тўроқни қамдан ҳам қоллардагина тарқ этганлар.

Шу боисдан бинолар, саройлар ақсарият, уларни бузиб, ўришга янғисини тикланганлар. Шаҳар айронга бўлса айнан ўша жойда янғисини бини қилишган.

Оқибатда минг-миг йиллик шаҳарларнинг харобалари бугунги шаҳарларнинг тағди қолган. Бу фикрнинг исботи Самарқанд шаҳридаги Афросиёб харобаларида.

Қолаверса, қўпчилик шаҳарларнинг дарёлар бўйига яқин жойда қурилганлиги тўғрисида, ҳатто бундан селлар, тўфонлар ва тошқинлар уларни неча-неча бор ўз домига ютиб юборган.

Ҳатто, ёвлар ҳам бўйсунмас шаҳарларни сувга гарқ этиш усулидан жуда кўп мартаба фойдаланганлар.

— Майли, шундай ҳам бўлган, дейлик. Лекин, шу даврдаги ҳукмдорларнинг исми ўзбек тили учун тўғулнап бегона тилда, йирик шаҳарлар аҳолисининг тили эса олақуорқ эканлиги қандай изоҳланади?

— Босқинчилар ҳамма замоналарда ҳам ўзлари эгаллаган ҳудуднинг ҳам, миллатнинг ҳам қиёфасини ўзгариштириш, ўзларини мулкига ва фуқаросига айлантиришга уринганлар. Ўзининг тилини, динини, урф-одатини сингдиришининг турли усулларини қўллаганлар.

Бунинг устига бизнинг халқимиз маданиятга, англисча нияҳатда ўч келди. Ҳатто, ёвларнинг тилини ҳам жуда тез ўзлаштириб олган ва ўша тилда бемалол сўзлашган. Айниқса, шаҳар аҳли бу шароитга тез мослашган. Шаҳар эса ўз хусусиятига қўра савдо маркази, хунармандлар, эъбиллар тили аралаш бўлиши ҳам табиий бир ҳол.

Шунинг учун ҳам сайёҳлар кўпроқ шаҳар аҳолининг тилига эътибор берган ва миллат ҳақида англис хулосалар чиқарган.

Бундан ташқари, маълум бир хизматлари, ўз элига хиёнат, ганизмга садоқат эвазига бойлигини, нуфузини асраб қолган, ҳатто, мансаб оти миғанган туб аҳолидан чиққан амалдорлар ҳам асосан ҳукмдорларнинг тилида гаплашшган.

Иш қорозларининг, ёзишларининг, тарихий, илмий, бадий асарларнинг ҳукмдорлар тилида битилгани ҳам ўзининг таъсирини ўтказган.

Хусусан, бундан ўн-ўн беш йил муқаддас республикамизнинг йирик шаҳарларини, хусусан, пойтахтимиз Тошкентни ораганлар хоржий мөхмон ўз таассуротларида «халқи ўзбек, лекин, оммавий равишда рус тилида сўзлашадими», деб эҳса ҳеч биримиз ажабланмаган, балки, бундай баҳодан фахрланган бўлур эдик.

Чуқи, барча муассасалар ва қорхоналарда, савдо дундонларида, транспорт воситаларида кекса-юш ёш рус тилида сўзлашгани, барча иш қорозларининг, қўчалардаги, пештоқлардаги лаҳзалар, шорларнинг ёлпасига рус тилида битилгани ҳақикат-ку.

Ҳолбуки, халқимиз рус тилини мустамлақачилик сийбига хизмат қилиш воситаси, истилочиларга садоқат рамзи сифатида эмас, балки, жаҳоний маданият билан боғланшининг ўша даврдаги ягона воситаси сифатида қабул қилган бўлса, мустабид тизим раҳмонларини ундан сийсий мақсадда — бизни миллий ўзгичликдан маҳрум этишини таъсирчан ва самарали воситаси сифатида фойдаланишга уринган.

Бахтиёр РИЗО

(Давоми бор).

Раҳмат акага

«Раҳмат» деб юрман

Олдинлари Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлиш икки босқичда бўларди. Олдин аъзоллик номзод бўлиб, маълум фурсатдан кейин эса ҳақиқийликка ўтиларди. Қамина ҳам бу икки босқич аламни тортганлардан.

Эллигинчи йилги денг, ҳақиқийга ўтишга жазм қилганим, қўллагандаги тўлиб қолдим. Аризам бўйича котибиятда муҳокама бўлди, алдоғ-далдоғ йиллар эди у пайтлар. Ҳатто боласини бешикка беланган ёзувчи ҳам, бир тўйда чопон кийган ёзувчи ҳам гуноҳдор эди. Уйланмоқчи бўлган ёзувчига қиз беришмай қўйишган эди...

Маълумоти уюшма раиси ўринбосари бошқарарди. Номзодликка ўтишимда менга таъсияномани устозлардан Ойбек, Шайхонда ва Миртемир беришган ҳужжат ўртага тушиб қолса бўлмас...

Бу маълумотдан кейин раҳбарият бир-бирига қараб олишди. Гўйбена уларнинг «дўми» сифатида айбонга бошладим. Ҳеч ким мени ёқмасам бўлмас, булар экан-да. Ушунда меннинг ҳолатимни кузатиб, ачинаб ўтирган қадрдони Раҳмат Файзий хўшёрлик қилиб секингина менга:

— Пўлатжон, аризангни қайтариб ол, — деди билангирмай.

Қамина ҳам ушал аснода хўшёр тортиб:

— Кеңирасизлар, мен хали ҳақиқийга ўтишга лойиқ эмас эканман, — деб аризангни қайтариб олишганимни илтимос қилдим.

Бу тақлифимга раҳбарият «анг-танг» бўлиб қолди...

Ушал мажлисини эслаганимда, яхши одамлар борлигидан мамнун бўлиб, мени кўтариб қолган Раҳмат акага доимо «Раҳмат» айтиб юрман ичимдан.

Отанга раҳмат

дердилар отам

Падири бузруқворим кўп ақилхалқ инсон эдилар. Билмайман нима учундир кўнглик Мўмин-қўжа пўча дейишарди. Кейинчалик ул зоти билганлардан сўрасам, ҳурмат қозасидан деб айтишарди. Яна бир фазилатлари бор эди, ибратли. Ҳеч ким хо қалтга, қў қичик улардан олдин салом беролмас экан, ақд қилганлар ҳам кеңичар экан.

Хали айтганимда менга ҳам ҳазилому ибораларни айтаришарди. Институтда ўқирдим. Теша Салимов деган устозимиз бизга ўттиз беш соат дарсда эски араб алифбоси имлосини ўргатдилар. Ҳазрат Навоий ғазалларини бемалол ўқийдиган бўлгандик.

Бир кун денг, боғда хомтоқ қилардилар. Эски араб алифбосида ўқини урганганимни мақтаниб қолсам бўлмас, худдики, синаб қўқидилар. Мен ҳам «Чордеводдан ўқидим»:

«Ашриқатим акси шависил қаси анворул худо, Ери аксин майда кўр деб жондин чикди садо.»

Отам раҳматли севиниб кетиб:

— Ха энди одам бўпсиз ўғлим, дедилар-да, маъносини сўраб қолдилар. Ул зот ўқимаслар ҳам ўқанлардан эдилар. Мен махубини гўзални тасвирлашни айтсам, Оллоҳга бўлган ишқини, деб тўшунтирдилар. Кейинчалик билсам отам ҳам эканлар, чиндан Ҳазрат Навоий илҳий муҳаббат қўйчиси экан.

Ушунда менга:

— Отангизга раҳмат, — деб қўшимча қилган эдилар.

Одатда бирор топшириқларини ўринлашмас:

— Отангизга раҳмат, — дердилар, бундан роса севинардим.

Бир кун бундай ўйлаб қарасам, «раҳмат» ўзларига экан. Кейинчалик мен ҳам «Бола-чақангиз омон бўлсин», — деб ҳазиломуз жавоб берадиган бўлдим. Хар сафар:

— Бу жавобингиз учун ҳам отангизга раҳмат, — деб эрқалашлари ҳамон кун ўғлимда.

Меҳр — қуч бахш

этар экан

Олтмишинчи йиллар бошида. Чилонзорда «дом-да», учинчи қаватда истиқомат қилардим. Ойимлар акам Султон-қўжа билан Тахтаулдаги ҳовлида турардим. Мен кун ора ойимларни қўрғани борардим. Бирор кун кеңиксам хавотир олардилар, раҳматли онажоним.

Нима бўлди-ю, беш-олти кун боролмадим. Сабаби қўчада тасодифан йиғилди кўкрагим лат ёб, ётиб қолган эдим. Бетобимнинг ойимларга билдирмасам, да, қайқандир эшитиб қўлибдилар.

Бир кун ётсам, болаларим келиб:

— Ада қаранг бўвимлар зинадан чиқиб келаяптилар, — дейишди.

Амаллаб эшикка чиқсам, ойимлар касалчин бўлишларига қарамай куч билан зинадан чиқиб келардилар, дам олмабдилар ҳам.

Кейинчалик ўйлаб қарасам, онанинг фарзандга меҳри куч-қувват бахш этар экан...

Ўзбек адиблари — «Оқшом учун»

Фазилати янги гап айтишда дейишди

кўплар. Шу аснода бир кекса ёзувчи келиб қолди тасодифан. Абдулла ака ул кексани гапга тутдилар. Унинг хотини вафот этиб, бева қолганди бечора.

— Ха, тақсир уйландиларми? — десалар у ҳам:

— Тегмайти қаминига, чидамайди шекилли, — деди-да, нарига кетувди, Абдулла ака эшиттирмай:

— Тегмагани маъқул, анча етилди коти бечора, бир «тегса» йиқилиб кетиши ҳеч гапмас, — деб қаҳқорона қина қилдилар.

Бизлар қулишга ҳам, қулмасликка ҳам ҳикоят эдик...

Рус тилини ўзи

чирқоргандай...

Устоз Абдулла Қаҳҳор сўзини чертиб айтдиқлардан, айниқса лўфга моҳир, топқир эдилар. Одамларга, ҳолатларга баҳо беришда устаси фаранглардан ҳисобланардилар.

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Пўлат МўМИН,

Ўзбекистон халқ шоири

Ибратли эсдаликлар

• Ўзбекистон халқ шоири Пўлат Мўмин ўз

ижоди билан шеърят шинавандалари эътиборига ва ҳурматига сазовор бўлган оқсоқол адибларимиздан биридир. Унинг турли йилларда нашрдан чиққан кўпдан-кўп тўпламлари китобхоналар жавонидан ўрин олган. Шоирнинг шеърлари асосида яратилган қўшиқлар дилларимизга бир олам завқ ва шавқ бағишлаб келмоқда.

Ўз ижод намуналари билан «Оқшом» саҳифаларида мунтазам қатнашиб келаятган Пўлат Мўмин бугун ўзининг улуг устозлари, азиз ва қадрли ота-онаси, жигарбандлари тўғрисида хикоя қилувчи «Ибратли эсдаликлар»ни муштарайларимиз эътиборига ҳавола этмоқда. Бу эсдаликлар чиндан ҳам ибратли жиҳатлари, ундан чиқариладиган ҳаётий сабоқлари билан оқшомхоналаримизга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Тил софлигини, сўз аниқлигини ёқтирардилар.

Бир кун, Ёзувчилар уюшмасида бир ёзувчи партия йиғилишини рус тилида олиб борарди, рус тилида олиб бериш рўсуми эди уша пайтда. Маълум олиб борури рус тилига уна қувви йўқроқ эди. Қондиларини чала-чўла биларди бечора. Ушундоқ бўлса-да, бемалол, паллартиши, келишларига риоя қилмай, ўзи биланга гапирарди-ки, ундан қулишмасди ҳам энаси қотиб...

Мен ўша йиғилишда, устоз билан ёнма-ён ўтирдим. Абдулла ака унинг гапларига гаши келиб:

— Оббо, хумпар-ей, ўрис тилини ўзи чирқоргандай гапирарди-я!... — деб юнон қилдилар. Бу топқирлик одил баҳо эди нақадар. Абдулла акадан ўзга ижодкор топқирмасди ҳам.

Ўрик гуллаганда

Мендан баъзида «Ҳамид Олимжон билан учраганимиз» деб сўрашарди. Учраганимиз дейман-у ижодий жараён бўлмаганича чун айтишга гоҳо тортинаман. Шундай бўлса ҳам, юрғимдаги гапимни айтман.

Ўттиз савкизини йили, баҳорда, Кўнрақ театрида мактаб ўқувчилари билан Ҳамид Олимжон, Адхам Раҳмат ва устозим Куддус Муҳаммадийлар билан бўлган учрашу ҳамон кўнглим тўрида. Ушунда Адхам ака Маршакнинг «Мистер Твистер» достони таржимасини, Куддус ака ўзининг:

«Ҳой, саввақуш, саввақуш Кел, меннинг ёнимга туш» шеърини завқ билан ёд ўқигани, айниқса Ҳамид Олимжон шoirнона виқор-у салобат билан «Деразамини» олдида бир тўп ўрик оппоқ бўлиб гуллагани си қўнглимда, ул зот «оппоқ» сўзини «аппоқ» дейиши ёқимли тўнгалдики, асти қўваран.

Кейинги эсдалгим бозорчиқор. Мен институтда ўқиган кезларимда, эрталаб ўрдадаги қаймоқ бозорда тўрт хурмача қатқини сотиб, кейин ўқишга борардим. Хар кун Ишчилар шаҳарчасига яқин Известия маҳалласидан ўтарди қаймоқ бозорга.

Бир кун меннинг рўпарамдан Ҳамид ака чиқиб қолди:

— Ҳой, йигитча, бир хурмача қатқидан сотиб кетинг, — деб уларига бошлаб бердилар-да, қатқил нархини сўраб ул сўм бердилар-да, ишларига кетдилар. Қатқини ҳовлида қуйибни юрган бир нуруний онахон бўшатиб, хурмачани ювиб бердилар. «Яши ивтиланган экан», деб мактадилар. Зулфия она кўриниб қолгандилар.

Устознинг оқ

фотиҳаси

Уруш йиллари педагогика институтида тахсил олардим. Адабиётдан Шайхонда муаллим дурс беради. Одатда дарс бошланмасдан олдин, талабаларнинг ахволлари, ота-оналаридан сўраб кўнглиларини кўтариб, сўнг дарс бошларди. Бу ўта олижаноблик аслида.

Академик Шоназар Шоабдураҳмонов билан бир курсда эдик. Иккаламиз шеърятга, тилга қизиқардик. Факультет деворий газетасини иккаламиз чиқарар эдик ўша кезларда. Уруш тугаб қолган эди — зафар яқинлашган пайтлар. Деворий газетани ўз шеърларимиз билан берадик. Бу газетда Шоназарнинг

салом бердим-да, ич-ичимдан севиниб, гурур билан чиқиб кетганим ушунда. Мен Ҳамид Олимжондай шоирга қатқил сотдим, деб роса мактабни юрганман, ўша кезларда курсдошларимга.

Уруш йиллари педагогика институтида

Оз-Оз ўтганиб Домо бўлур...

• Эй фарзанд, агар дунёда доимо тараққий қилай десанг, софдил бўл! Умрингни фақат мол учун сарфловчи бўлма! Ёмон кишилар билан улфатчилик қилма! Дунёда яхшилик қилиш лозимлиги ҳақида Лукмони Ҳаким тўғрисидаги қиёятлардан ўрнак ол.

• Айтишларича, Лукмони ҳакимнинг олдига бир гуруҳ кишилар меҳмон бўлиб келишди. Ундан ҳикматга оид нарсаларни сўрашди. Шунда келганлардан бири:

— Эй ҳаким, сен фалон ерда чўпонлик қилган киши эмасмисан? — деб сўради.

— Ҳа, мен ўша чўпонман, — деб жавоб берди Лукмон. — Ҳозир кўриб турибсанки, ҳакимман.

— Бу даражага қандай эришдинг? — сўради яна у.

Лукмони ҳаким унга:

— Рост сўзлашдан, омонатга хиёнат қилмасликдан, ёлгон сўзлашмасликдан, беҳуда сўзларни гапирмасликдан, мусибат ва балоларга мардона чидашдан, ўзимни барчадан кам санашдан! — деб жавоб берди.

• Мусибатли ва оғир дамларда қаноат ва сабрни пеша қил. Сабр бағоят мақбул ва маъқул сифатлардан биридир.

• Қариндош-уруғларингни ўзингдан узоклаштирма. Уларга марҳамат кўзи билан боқ. Уларнинг галига қулқол сол ва яхшилик қил. Раҳм — узок яшаш учун воситадир ва у кишининг тўқ, фаровон яшашига сабабчи бўлади.

Байт:

**Кишидан рози бўлса агар қариндош,
Ошиб обрўйи бўлмай барчага боши!**

• Ҳеч бир кишини у хоҳ тирик бўлсин, хоҳ ўлик бўлсин ёмон сўзлар билан камситмаслик керак.

• Айб яширишни киши ўзи учун шир қилмоғи керакки, бу улуг кишиларнинг ёқимли хислатларидир.

• Барча каттаю кичикка, хоҳ у дўст бўлсин, хоҳ душман, Шайх Саъдий айтганидек, яхшилик қилсинг.

Байт:

**Олтин-кумуш эҳсон қил, ҳар яхшию-ёмонга
Бирини савоб иш бўлса, бири тузоқ зийнати!**

• Буюкликка энг яқини ҳалолликдир.

• Агар одам ҳалолликдан юз ўгирса, шу қадар беҳисоб, ярамас иллатларга берилиб кетадики, оқибат натижада ҳақтинанг нопок йўлларида юришга одатланиб қолади.

• Ҳалоллик ҳар қандай мартабани беэаиди.

• Пасткаш таъмагириликдан кўра жазони афзал кўр, чунки жазо бир марта, таъмагирилик эса умрбод дилни сиёҳ қилади.

ҲИҚОЯТ. Кунлардан бир кун киши ўралиб, муҳрланган бир халтачини дўстининг хузурига келтириб:

— Дўстин, мен сафарга чиқиб кетаётиман. Ичида минг олтин бўлган шу халтачини сенга омонатга топшираман, сафардан қайтиб келганимдан сўнг оламан, — деб халтачини топширди ва ўша кун сафарга чиқиб кетди. Сафари узок вақтга чўзилди.

Дўсти омонатга хиёнат қилиб, халтачининг бир томони-ни сўқди, олтинларни олиб тангалар билан тўлғазиб, сўқилган жойини ҳеч қим билмайдиган қилиб тикиб қўйди.

Орадан 10 йил ўтгандан кейин омонат эгаси сафардан қайтиб келиб, дўстидан қўйган омонатини талаб қилди. Дўсти халтачини чиқариб берди, омонат эгаси халтачини очиб тангаларни кўргач, ҳайрон бўлиб дўстидан:

— Халтача ичидаги олтинларим қани? Нега тангалар билан алмаштирилган? — деб сўрагани, дўсти инкор қилиб:

— Халтачанга нима солиб қўйган бўлсанг шундай турибди, қараб кўр, босган муҳринг ҳам бузилмаган, тагин нима даъво қиласан? — деди.

Омонат эгаси халтачини олиб шаҳар қозисининг хузурига бориб воқеани баён қилди. Қози жуда ақли ва тадбирли одам эди. У дарҳол хиёнатчи дўстини чақириб олиб, омонат эгасининг шикоятини айтди. Хиёнатчи дўст инкор этишда давом этди.

— Омонат қўйганимга неча йил бўлди? — деб сўраган эди, у киши омонат қилиб топширганига ўн йил бўлганини айтди. Қози ҳамма тангаларнинг босилган йилларига кўз ташлади. Тангалар босилганига 2-3 йилдан ортиқ бўлмаган эди. Қози хиёнатчи дўстга тангаларнинг босилган йилларини кўрсатган эди, у шарманда бўлиб қилган айбига икром бўлишга мажбур бўлди. Тадбирли, фаросатли қози олтинларни хиёнатчидан олиб, эгасига топширди.

Қозининг буйруғи билан хиёнатчи дўстини эшакка тескари миндирдилар. «Омонатга хиёнат қилган кишининг жазоси шундай бўлади», деб қичқириб шаҳар, кўча ва бозорларни айлантирдилар.

Байт:

**Ёлгон бевиқор қилур одамни,
Ёлгон шармисор қилур одамни.**

• Фақат ўзини ўйлайдиган, ҳамма нарсадан ўзига манфаат излайдиган одам бахтли бўлолмайди. Ўзинг учун яшамокни истасанг, бошқалар учун яш.

• Бир бой одам донишмандлардан бирига:

— Мен сизга юз сўм ҳада қилмоқчиман, сиз бунга нима дейсиз? — деди.

Донишманд шундай жавоб берди:

— Ҳада қилсанг, ўзинг учун яхши, ҳада қилмасанг, мен учун яхши. Чунки менга пул берганингдан кейин ҳар қимга: «Фалон донишмандга юз сўм ҳада қилганман», деб айтасан, миннат қилиб юришингдан қутулиб қолган бўламан.

Байт:

**Кутма дардинга даъво, пасткаш,
Курумсоқ кимсадан,
Ким чаён ниши билан олғай оёқлардан тикан?**

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар диққатига!

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Давлат мулки кўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ва Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази янги иш бошлаётган «Чорсу савдо маркази» (собиқ ГУМ) биносида жойлашган 274 та савдо дўконлари ва дўкончаларининг ижара ҳуқуқини сотиш бўйича 2001 йил 23, 24 июль кунлари соат 9.00 да тажриба тариқасида кимошди савдолари ўтказилади.

Кимошди савдоларига қуйидаги савдо шахобчаларининг ижара ҳуқуқи қўйилади:

Т/р	Лот рақами	Лотдаги савдо шахобчаларининг сони	Бир савдо шахобчасининг умумий майдони (кв.м)	Савдо шахобчасида сотиладиган маҳсулот тури	Савдо шахобчаси тури	Бир ойлик ижара ҳақи (сўм)	Ижара ҳуқуқининг бошланғич нархи (сўм)	Гаров пули миқдори (сўм)	Савдо саваси
1-қаватда жойлашган савдо шахобчалари									
1.	1	93	3,2	Тамаки маҳсулотлари	Раста	44700	45000	4500	23.07.01
2.	2	17	39,0	Гилам маҳсулотлари	Раста	77600	50000	5000	23.07.01
3.	3.	1	28,1	Заргарлик буюмлари	Дўкон	111600	100000	10000	23.07.01
4.	4.	1	110,0	Заргарлик буюмлари	Дўкон	436700	100000	10000	23.07.01
5.	5.	1	72,0	Заргарлик буюмлари	Дўкон	285900	100000	10000	23.07.01
2-қаватда жойлашган савдо шахобчалари									
6.	6	48	9,9	Спиртли ичимликлар	Дўконча	78000	80000	8000	24.07.01
7.	7	15	12,6	Спиртли ичимликлар	Дўконча	99300	80000	8000	24.07.01
8.	8	1	40,0	Спиртли ичимликлар	Дўкон	262700	100000	10000	24.07.01
3-қаватда жойлашган савдо шахобчалари									
9.	9	19	13,2	Кийим-кечақлар	Дўконча	33100	40000	4000	24.07.01
10.	10	28	26,5	Кийим-кечақлар	Дўконча	66400	40000	4000	24.07.01
11.	11	4	23,6	Кийим-кечақлар	Дўконча	59200	40000	4000	24.07.01
12.	12	1	67,0	Кийим-кечақлар	Дўкон	190700	60000	6000	24.07.01
13.	13	1	46,5	Кийим-кечақлар	Дўкон	132300	60000	6000	24.07.01
14.	14	1	81,5	Кийим-кечақлар	Дўкон	231900	60000	6000	24.07.01
15.	15	1	107,0	Кийим-кечақлар	Дўкон	304500	60000	6000	24.07.01
4-қаватда жойлашган савдо шахобчалари									
16.	16	12	13,2	Кийим-кечақлар	Дўконча	33100	40000	4000	24.07.01
17.	17	13	56,7	Кийим-кечақлар	Дўконча	142200	50000	5000	24.07.01
18.	18	6	25,2	Кийим-кечақлар	Дўконча	59200	40000	4000	24.07.01
19.	19	5	23,6	Кийим-кечақлар	Дўконча	63200	40000	4000	24.07.01
20.	20	1	67,0	Кийим-кечақлар	Дўкон	190700	60000	6000	24.07.01
21.	21	1	46,5	Кийим-кечақлар	Дўкон	132300	60000	6000	24.07.01
22.	22	1	45,4	Кийим-кечақлар	Дўкон	129200	60000	6000	24.07.01
23.	23	1	81,5	Кийим-кечақлар	Дўкон	231900	60000	6000	24.07.01
24.	24	1	64,0	Кийим-кечақлар	Дўкон	182100	60000	6000	24.07.01
25.	25	1	31,0	Кийим-кечақлар	Дўкон	88200	60000	6000	24.07.01

Савдоларда юридик ва жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин.

Аризалар савдо ўтказиладиган кундан бир кун олдин 18.00 да тўхтатилади.

Кимошди савдоларида қатнашиш тартиби ва ижара шартлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишигиз мумкин: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Охунбобоев майдони, «Чорсу савдо маркази» (собиқ ГУМ) биноси, 1-қават. Телефонлар: 42-38-47, 136-71-76, 133-20-74.

Савдолар юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар диққатига!

2001 йил 10 июль куни «Чорсу савдо маркази»да савдо жойлари ва дўкончаларни ижарага олиш ҳуқуқини

аукцион орқали кимошди савдосига

қўйиш режалаштирилган эди.

Аукционга қатнашиш истагини билдирган тадбиркорларнинг кўпайиб кетганини ҳамда тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг талаб ва истаklarини инобатга олиб, аукционга қўйиладиган савдо жойлари ва дўкончаларни ихтисослашувига қараб қайта тақсимланиши муносабати билан **АУКЦИОННИ 2001 ЙИЛНИНГ 23-24 ИЮЛИГА КЎЧИРИЛАДИ.**

АУКЦИОННИ ЎТКАЗИШ КОМИССИЯСИ

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази ва «Пойтахт-Савдо» корхонаси ҳамкорликда Сиз, азизларни 2001 йил 14 август соат 10.00 да бўлиб ўтадиган очик савдога тақлиф этади.

Очик савдода Тошкент шаҳар метрополитени 3-Юнусобод йўналиши бекатларида қуриладиган, барча имкониятларга эга бўлган озиқ-овқат, умумий овқатланиш ва тижорат маҳсулотлари савдосини ташкил этиш учун мослаштирилган замонавий савдо дўконлари ва савдо ўринларини 1 йил муддатга ижарага олиб, фойдаланиш ҳуқуқи берилади: «Абдулла Қодирий» 15 та дўкон, «Бодомзор» 2 та дўкон, «Минор» 4 та дўкон, «Ойбек» 2 та дўкон ва «Лохутий» 2 та дўконлари. Ҳар бир дўконнинг майдони 7 квадрат метрдан 40 квадрат метргача. Ҳар бир савдо ўрни майдони 6 квадрат метр, 9 квадрат метр бўлган 45 та савдо ўрни. Шунингдек савдода шаҳарнинг бир неча ҳудудида ўрнатилган 2,5 x 4,0(м), 2,2 x 2,2(м) ҳажмдаги савдо дўконларини 1 йил муддатга ижарага олиб, фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

Ижарачилар субижарага бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Ғолиблар 1 ойлик ижара тўлови миқдорида мукофотланадилар.

Очик савдо Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази

(Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Моварауннаҳр кўчаси, 16-а) да 2001 йил 14 август, соат 10.00 да ўтказилади.

Савдода қатнашиш учун аризалар ва гаров пуллари 2001 йил 13 август соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: 133-07-44, 133-87-79.

Номи ўзгарадиган бўлди

«Тройной» одеклолонинг тарихини кўпчилик билмас керак. «Коммунизм» даврининг бу маҳсулоти тарихий шахслар номи билан боғлиқ. Бугунги кунда ҳам уни ишлаб чиқараётган Қрим атторлик моллари фабрикасида эътирозлар пайдо бўлмоқда. Мамлакат энгил саннат бошқармасида ўтирган жаноблар ҳам хаттоки, одеклолон нима учун бундай номлангани ҳақида ўйлаб кўришмаган эди.

Одеклолон ёрлиғидаги белги коммунистик таълимнинг уч нафар асосчиси — Маркс, Энгельс, Ленин номини англитил туршишни билгач, бошқарма раҳбарияти «э, ҳа, шунақами?» дея таажубда қолишди. Гапнинг пўсткаллеси — «Тройной» номи ўзгарадиган бўлди.

Йўлини топишди

Эстонияда бозорлардаги харидорлар энг севиб истеъмол қиладиган маҳсулот пиллоқ эканлиги ҳақидаги тадқиқот эълон қилинди. Магазин пештахталаридаги сут маҳсулотларининг тезликда сотилиб кетаётганини бу фактни юз фоиз тасдиқлайди. Аммо республика газеталаридан бирида бу ҳодиса ёлгон эканлиги ҳам шарҳлаб ўтилди.

Гап шундаки, Эстонияда Литва ва Латвия пиллоқлари маҳаллий ёрликларда сотувага чиқарилмоқда. «Аграев» газетасида хабар берилишича, фирмалардан бири республикага кўшни давлатлардан мол келтириб, унга «Саарема» деб номланган пиллоқнинг ёрлигини ёлшиштириб чиққан. Пиллоқнинг бу тури Эстонияда яхши дея тан олингани бу фирманинг тадбиркорларига олдиндан маълум.

Истеъмолчиларнинг хулосаси: «маҳаллий» пиллоқлар хориждан келтирилган маҳсулотларга қараганда анча арзон. Улар билишмайдики, кўшни давлатлардан келтириладиган пиллоқ «маҳаллийлаштирилиб» сотилмоқда.

Йўлини билган, шу тарихи пул топади.

«Бахтсиз» кун

Чикаго меҳмонхоналаридан бирида 13-хонада 13 та ойнани синдириш учун 13 киши йиғилади. Гўё шу билан улар «бахтсиз» кунини «бахтли» қилишди. Умуман олганда, америкаликларнинг кўпчилиги 13 рақамдан жуда «кўрқинади». Шунинг учун бўлса керак, Нью-Йоркдаги наشريётларнинг бири йилномани 13 рақамсиз чиқаради, яъни 13 ўрнига икки марта 12 рақамини қўлади. Кўп меҳмонхоналарда эса 13-хона йўқ. Айрим самолётларда ҳам 13-жойни чироқ ёқиб ҳам топиб бўлмайди, касалхоналарда ҳам аҳвол шу.

«050»: ҚУТҚАРУВ ХИЗМАТИ ХАБАРЛАРИ

2-9 июль

♦ Пойтахт ичидан оқиб ўтувчи Бўзсув каналида Юнусобод туманилик 1983 йилда туғилган Б.Хошимовнинг чўкиб кетганлиги тўғрисида маълумот келиб тушган.

Айни пайтда шаҳар факултетада вақитлар бошқармаси културувчи газетасида идириш-қутқарув ишларини давом эттирмоқда.

♦ Шу hafta мобайнида бошқарма навбатчилик қисмига пойтахтими туманлари аҳолисида олти хонадон ашиқлари ёпилиб қолганлиги тўғрисида маълумот тушди.

Чизельний мавзеси, 3-ўйда истекомат қилувчи М.Мирсалимова, Юнусобод тумани, О.Зокорев кўчаси, 9-уй, 56-хонадондан И.Диваев, шу туманининг 18-мавзеси, 9-уй, 23-хонадон сохиббаси, ногирон Любовь Райбер, Ҳамза тумани, Лиснов даҳаси, 1-мавзе, 117-уй, 121-хонадонда яшовчи иккинчи жаҳон уруши ногирони В.Федотовларнинг хонадонлари қутқарув хизмати ходимлари томонидан очиб берилди.

♦ Шунингдек, Чимкент кўчаси, 21-уй, 11-хонадонда истекомат қилувчи В.Гусакоева ҳамда Чизельний мавзеси, 2-уй, 22-хонадон сохиббаси Ф.Абдуллаевлар бошқарма навбатчилик қисмига қўнғирок қилишди. Хонадон беклари газ плитаси устида чай ва овқат қўйилган бўлиб, у ёқилган ҳолда қолганлиги сабабли ёнғин хабар эхтимоли мавзубили ҳақида хабар етказилган.

Кисқа вақт ичида етиб келган қутқарувчилар иккала хонадон ашиқларини очиб беришди ва ёнғиннинг олдини олишди.

Азамат СҮЮНОВ

Шайхонтоҳур туманидаги 262-ўрта мактабнинг 9-синфини 2001 йилда битирганлиги тўғрисида Давлатхон Юлдашевна Аҳмеджанова номига берилган ОЯ-2X 0908019-рақамли гувоҳнома йўқолиб қолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Шайхонтоҳур туманидаги «Хикматли» хусусий фирмаси **ТУГАТИЛАДИ**

Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мобайнида 75-49-32 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

«Алп Жамол Банк»
хусусий очик
акциядорлик-тижорат банки

ўз акциядорларига 2001 йил 10 август (жума) кун соат 10.00 да Тошкент шаҳри, М.К.Отатурк кўчаси, 21-ўйда 2001 йил биринчи ярим йиллик якуни бўйича банк акциядорларининг умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

Умумий йиғилиш кун тартиби:

1. Банк Кенгаши Раисининг 2001 йил биринчи ярим йилликдаги банк фаолияти тўғрисида ҳисоботи.
2. Банк устав капиталини ошириш тўғрисида.
3. Банкнинг 2001 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти натижалари бўйича олинган соф фойдани капитализация қилиш тўғрисида.

Акциядорлар юқорида қайд этилган манзилда соат 9.00 дан 9.30 гача рўйхатга олинадилар.

Маълумот учун телефонлар:
132-16-00, 132-10-59
ХОАТБ «Алп Жамол Банк» Кенгаши.

**Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума
кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қоғоз бичими А-2